



PHILOSOPHICAL AND ETHICAL INTERPRETATION OF THE CONCEPTS OF REASON, PASSION, AND LOVE IN THE VIEWS OF ZAKARIYA AL-RAZI

Rufat Pirmatovich Akhmedov

Independent Researcher

Email: axmedovrufat44@gmail.com

Science ID: MQD-0726-0319

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Abu Bakr al-Razi, reason, passion (ishq), carnal love, nafs, "Tibb al-Ruhani", spiritual beauty, pleasure, philosophical ethics, Platonic influence.

Received: 04.07.26

Accepted: 05.07.26

Published: 06.07.26

Abstract: This article analyzes the philosophical and ethical interpretation of the concepts of reason, passion (ishq), and love in the views of the prominent polymath and philosopher Abu Bakr al-Razi, specifically presented in his renowned treatise "The Spiritual Physick" ("Tibb al-Ruhani"). The author substantiates that in al-Razi's philosophy, reason is regarded as a divine gift that elevates human beings, governs carnal desires (nafs), and serves as the ultimate criterion for attaining truth. Concurrently, the thinker's critical stance toward passionate love is uncovered, wherein he evaluates it as a disease and affliction that subjugates individuals to material pleasures, causes spiritual and physical ailments, and prevents the achievement of true happiness. The article also highlights the intersections of al-Razi's perspectives with Platonic philosophy and Islamic religious texts (Hadiths).

ЗАКАРИЁ РОЗИЙ ҚАРАШЛАРИДА АҚЛ, ИШҚ ВА МУҲАББАТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЛҚИНИ

Руфат Пирматович Ахмедов

Мустақил тадқиқотчи

axmedovrufat44@gmail.com

Илмий идентификация рақами: MQD-0726-0319

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Абу Бакр ар-Розий, ақл, ишқ, шахвоний муҳаббат, нафс, «Тиббу-р-руҳоний», маънавий гўзаллик, лаззат, фалсафий ахлоқ, Платон таъсири.

Аннотация: Мазкур мақолада таниқли қомусий олим ва мутафаккир Абу Бакр ар-Розийнинг ўзининг машҳур «Тиббу-р-руҳоний» асарида илгари сурган ақл, ишқ ва муҳаббат тушунчаларининг фалсафий-ахлоқий талқини таҳлил этилган. Муаллиф ар-Розий фалсафасида ақл инсонни илоҳий неъмат ўлароқ юксалтирувчи, нафс устидан ҳокимлик қилувчи ва ҳақиқатга элтувчи олий мезон эканлигини асослаб берган. Шу билан бирга, олимнинг ишқ ва муҳаббатга нисбатан салбий ёндашуви, уларни инсонни нафс ва моддий лаззатларга бўйсундирувчи, руҳий ва жисмоний хасталикларга дучор қилувчи ҳамда ҳақиқий саодатга эришишдан тўсувчи омиллар сифатида баҳолаганлиги очиқ берилган. Мақолада ар-Розий қарашларининг Платон фалсафаси ва ислом диний матнлари (ҳадислар) билан муштарак жиҳатлари ҳам ёритилган.

ФИЛОСОФСКО-ЭТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОНЯТИЙ РАЗУМА, СТРАСТИ И ЛЮБВИ ВО ВЗГЛЯДАХ ЗАКАРИИ АР-РАЗИ

Руфат Пирматович Ахмедов

Независимый исследователь

axmedovrufat44@gmail.com

Научный идентификационный номер: MQD-0726-0319

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Абу Бакр ар-Рази, разум, страсть (ишқ), плотская любовь, нафс, «Тибб ар-Рухани», духовная красота, удовольствие, философская этика, влияние Платона.

Аннотация: В данной статье анализируется философско-этическая интерпретация понятий разума, страсти (ишқ) и любви в трудах известного ученого-энциклопедиста Абу Бакра ар-Рази, в частности, в его знаменитом трактате «Духовная медицина» («Тибб ар-Рухани»). Автор обосновывает, что в философии ар-Рази разум рассматривается как божественный дар, возвышающий человека, доминирующий над плотскими желаниями (нафс) и служащий высшим критерием достижения истины. Вместе с тем раскрывается критическое отношение мыслителя к страстной любви, которую он квалифицирует как порок и болезнь, подчиняющую человека материальным удовольствиям, вызывающую духовные и физические недуги и препятствующую обретению истинного счастья. В статье

также освещаются точки соприкосновения взглядов ар-Рази с философией Платона и исламскими религиозными текстами (хадисами).

Кириш. “Ақл” сўзи одамларда мавжуд бўлган идрок, фикрлаш деган маъноларни англатади. Бу тушуниш ва ақлни ҳам англатади. Бу атама сифатида, нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини фарқлаш, ҳукм қилиш кучи, инсоннинг фаол саъй-ҳаракатлари билан шаклланадиган куч, фикрларни мантикий тартибга солиш қобилияти, инсонга хос куч бўлиб, одамлар ҳаётига таъсир қиладиган тарзда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг ҳимояси учун берилган илоҳий қобилият, энг кучли ва энг юқори рухий кучлар сифатида ифодаланади.

Хўш, Закариё Розий назарида “Ақл” нима? У шахсан қандай? Ақл нимани амалга оширади? Ақл кучга эгами? Ақлнинг вазифалари борми? Ақл чегараси борми?

Закариё Розий ўзининг ахлоққа бағишланган машҳур “Тибби Руҳоний” асарида “Бояд зикр намуд, ки парвардигори мутаол ақро ба инсон ато намуд ва одамизод ба тавассути он ба сарафрозия бузурги ноил гардид. Маҳз ба василаи он (Ақл) аз манофеи ҳозира ва оянда баҳраманд гардида, ба шоянтари чизе, ки дар чавҳари афъоли мо вучуд дорад, мерасем. Гузашта аз ин ба кумаки он чавҳари асло даръёфт менамоем, зеро ки ақл беҳтари тўхфаи худованди буда, ба мо қудрату судманди мебахшад” [1], дея ёзади. Яъни, Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва ёрдами билан бошлаймиз. Аллоҳ таоло бизга ақл неъматини берди ва инсон у билан буюклик ва олийликга етишди ва биз дунё ва охират манфаатларига у билан етамиз. Биздаги Аллоҳнинг энг манфаатли ва энг фойдали неъмат ақлдир. Биз Ақл ёрдамида тили бўлмаган ҳайвонлардан устун бўлиб уларга эгалик қиламиз, биз ҳайвонларни ўзимизга бўйсундирдик ва уларни ўзимизга ва уларга манфаатли бўладиган ишларга йўналтирдик. Даражамизни кўтарадиган ва ҳаётимизни чиройли, гўзал қиладиган нарсани ақл билан идрок қилдик, у билан мақсад муродимизга етамиз.

Муҳокама ва натижалар. Закариё Розий қарашларига кўра, инсон Ақл воситаси билан кемаларни яшашни ва улар воситаси билан денгизларни ўрганиб уни ўз манфаати учун ишлатишни ўрганди. Шу сабабли аллома яна Ақл воситаси ила илм сирларига, шу жумладан тиб илмига эришдикки, инсон фарзанди учун тибда буюк манфаатлар яшириндир ва яна Ақл билан кўпгина бизга фойда берадиган ишларни амалга оширдик ва яна фақатгина Ақл ёрдамида табиатни яширин - махфий ишларини англадик. Еру - Осмон шаклини, Қуёшу - Ой ва бошқа юлдузларни узоқлигию-ҳаракатларни ўргандик,

Парвардигор Аллоҳ таолони улуғлигини ва бизни яратувчилигини Ақл билан билдик, Аллоҳ бизга энг манфаатли неъмат Ақлни берди, дея қайд этади.

Аллома мулоҳазаларидан кўринадики, агар ақл бўлмаганда биз ҳам ҳайвонлар каби бўлиб қолар эдик. Биз ақлсиз феълларимизни бажаришдан олдин уни ҳиссий аъзоларимиз билан ҳис қила-олмаган бўлар эдик. Унингча, ақлни манзил даражаси шу даражада экан, биз уни мана шу олий даражасидан тушурмаслигимиз ва уни виқор даражасини йўқотмаслигимиз керак ва унга ҳукм қиладиган ҳоким бўлмаслигимиз лозим. Демак, ақл биз учун бошлиқ бўлиб, унга эргашишимиз керак, ҳар қандай ишда ундан ёрдам олишимиз ва ақл буюрганидек амал қилишимиз лозим. Офат балога сабаб бўладиган Ҳавои-нафсни Ақл даражасига кўтармаслик лозим, чунки Нафс Ақлни издан чиқаради ва мақсаддан узоқлаштиради ва яна ёмон Нафс яхшилик ва манфаат бўлган ишларни амалга оширишга монелик қилади.

Абу Бакр ар-Розий Ақл тўғрисида фикр юритар экан, инсон доим нафсини ақлга тобе қилиши кераклигини қайд этади. Агар дейди у, биз бу ишни қилаолсак, ўшандагина ақл бизга ёрдамчи ва ҳаёт йўлини ёритувчиси бўлади ва бизни яхши хотима ва етук мақсадларга етказди ва яқунда биз Аллоҳ таолони неъматини бўлган Ақл билан саодатга эришамиз.

Закариё Розий мулоҳазаларига кўра, Ақл ниманидир кўради ва танлайди ва яхши оқибатларга олиб келадиган нарсанинг энг яхшисини танлайди ва қабул қилади, гарчи уни қабул қилишнинг бошида муаммо бўлса ҳам, чунки нафс ва истаклари бунга қарши чиқади. Унингча, нафс, ҳою-ҳаваслар самарасиз ва вақтинчалик нарсани танлайди, баъзан ўша нарсанинг оқибати ҳатто нафснинг ўзига ҳам маълум бўлмай қолади, бу эса унга муаммо туғдиради. Аммо бу муаммо ҳавойи нафс учун сабоқ бўла олмайди [2]. Бу ҳолатни аллома боланинг ҳолати мисолида таҳлил этади. Яъни, боланинг кўзи оғриётган бўлса-да, хурмо еб, офтобда ўйнашни тўхтатмайди. У дармон ва бошқа кўз дори воситаларидан фойдаланиши керак эди, аммо у бунинг аксини қилади.

Розий ақлий қобилиятни ривожлантириш ҳақида фикр юритар экан, Аллоҳ инсонларга тенг ақл берган бўлса ҳам, одамлар ўзларининг ақлий қобилиятларини турли йўллар билан ишлатганликлари сабабли, бу тенглик қайсидир маънода ўзгарганлигини [3] таъкидлайди. Унингча, инсоннинг яратилиш мақсади ҳаётдаги энг олий қадриятдир. Бунинг учун у - билимга эга бўлиш деб ҳисоблайди. Мутафаккир ақл орқали ўз фалсафасини илм ўрганиш асосида яратган. У бу фалсафани ўз ҳаётида ҳам қўллайди.

Розийнинг фикрича, маънавий эҳтирослар қуллигидан ҳалос бўлиш фақат энг олий яхшиликка эришишнинг шартидир, лекин яхшиликнинг ўзи эмас. Инсон ўз ақли ва

Худонинг ёрдами билан нафақат ўзини бу қулликдан халос қилади, балки руҳнинг (очик, заиф ва адашган) субстанциясини қуйи эҳтирослар ва иллатлар қамоқхонасидан озод қилишга ёрдам беради. Аллома объектив ахлоқ инсонни оламнинг умумий мақсадига оғли ва эркин хизмат қилишидан иборат, деб ҳисоблайди ва бу ерда, энг аввало, унинг инсоннинг мутлақ ички қадрияти ҳақидаги ҳулосасини эътироф этиш зарур.

Закариё Розийнинг бу ёндашуви, фикримизча, унга борлиқ ва оламнинг барча соҳаларини инсон фаолияти соҳаси – ўз ҳаракатларини соф эзгулик мотивларига бўйсундиришга қодир ягона оқилона, ахлоқий мавжудот сифатида қарашга имкон берди. У инсон учун фақат мустақил ва мутлақ қонунни - ахлоқий ва битта заруратни - ахлоқни тан олади. Олимнинг фикрича, шахсий такомиллаштириш ўз-ўзидан эмас, балки ахлоқий фаолият учун муҳим. Ахлоқий фаолиятнинг олий мақсадини тасдиқлаш яхшиликни тўғри амалга ошириш учун ҳақиқий билимни талаб қилади. Такومиллаштириш жараёни инсоннинг амалий тажрибасига асосланади, чунки унинг ахлоқий ўзини ўзи англаши дастлаб ўзининг ижтимоий мавжудлиги диалектикаси билан белгиланади [4].

Ар-Розий “Тиббу-Руҳоний”нинг бешинчи бобида “ҳаддан ташқари меҳр ва қарамлик” маъносини англаувчи ишқ ҳақида гапирди. Ҳолбуки, бу ерда худди завқ ва дардни тушунишда бўлгани каби, у кўпроқ ишқни моддий ҳодиса сифатида кўради. Ишқ деганда у илоҳий, руҳий ишқни эмас, шахвоний ишқни назарда тутди. Дарҳақиқат, Закариё Розийнинг фикрича, ишқ моддий завқ-шавқларга берилишнинг кўриниши ва ундан қочиш керак бўлган балодир [5]. Шу сабабли, А.Ж. Арберри “Тиббу-Руҳоний” асарида “муҳаббат” тушунчасини “шахсий ишқ” деб таржима қилган [6].

Қолаверса, ар-Розий бу ерда фақат қарама-қарши жинсни севиб қолишни англамайди. Аксинча, у “муҳаббат” тушунчасини ҳар қандай нарсага ишқибозлик маъносида қўллайди ва шу билан аёл, шон-шуҳрат, бойлик, мақом каби моддий неъматларга боғлиқликни ифодалайди.

Закариё Розий фикрига кўра, ҳар қандай нарсага муҳаббат инсонни барча муқобил вариантларни кўриб чиқишга тўсқинлик қилади бу ҳолат, аввалроқ таъкидлаганимиздек, одамларнинг завқ-шавқни яхши кўришлари ва уни афзал деб билишлари сабабларидан биридир.

Закариё Розий одамларни ишқ-муҳаббатга бўлган муносабати борасида икки тоифага ажратади: ўз табиати ва масъулиятига кўра бу азоб-укубатдан сақланадиган юксак хислатларга эга бўлганлар ва завқ, ўйин-кулгига ишқибоз бўлган тубан характерга эга бўлганлар. Файласуфнинг фикрича, биринчи гуруҳдагилар учун энг оғриқли нарса ўз хоҳиш-истак ва эҳтиёжларини ошкора ифодалаш, такаббурликка тоқат қилишдир.

Севишганлар бошдан кечирадиган аламли азоб-уқубатларни ҳисобга олсак, улар бу касалликка ҳеч қачон дучор бўлмайдилар ва ундан қочадилар, ёки қачонлардир тузалишни биладилар. Чунки бу инсонлар ўз кадр-қиммати ва шаънига зарар етказилишига йўл қўймайдилар. Иккинчи гуруҳдагилар эса шахватпараст инсонлар бўлгани учун бу касалликни осонлик билан енгиб чиқа олмайди. Агар бу шахслар ишқ ҳақидаги ҳикоялар, шеърлар, қўшиқлар билан шу туйғуни кучайтирса, ундан ажралиш янада қийинлашади [7].

Шу сабабдан ар-Розий ишқни тарк этилиши лозим бўлган дард деб ҳисоблайди ва уни гўзал деб билган ва уни афзал кўрганларни паст ва қўпол деб ҳисоблайди.

Ишқ-муҳаббатни жисмоний заифликка, ғамгинлик, ақлсизлик каби касалликларга олиб келадиган офат сифатида кўрар экан, мутафаккир ишқни паст ва ёвуз деб ҳисоблаш ғояси, юнон фалсафасига тааллуқли бўлган ва мусулмонлар орасида кенг тарқалган тушунча таъсирида кўринади. Чунки Афлотун ҳам нафсдан келиб чиқадиган ишқни бузуқлик ва телбаликнинг бир тури деб таърифлайди ва ошиқларнинг руҳий жиҳатдан беқарор эканлигини таъкидлайди [8].

Шу боис, Закариё Розий шуни таъкидлайдики, бу иштиёқ қалбда илдиз отишига йўл қўймаслиқдир. Ҳақиқатан ҳам, севги тўлиқ ўрнашиб, уни қамраб олмасдан олдин, одамни эҳтиросдан ажратиш осонроқдир. Бунинг сабаби шундаки, узоқ вақт бирга бўлгандан сўнг, руҳда шерикдан норозилик ва ажралишни истамаслик ҳисси пайдо бўлади. Файласуф буни “танишлик”, деб атайди.

Бу туйғунинг пайдо бўлишига имкон берадиган нарса узоқ муддатли севги ва севгилиси билан бирга бўлишдир. Унинг сўзларига кўра, муҳаббатда ошнолик ва илиқлик ўрнатилгач, ундан кутулиш қийин бўлади. Ошиқ билан маҳбуб ўртасида ҳосил бўладиган танишлик фақат ишқ, яъни ишқ йўқолиши билан йўқолади. Шундай экан, файласуфнинг фикрича, ақлли кишилар қилишлари керак бўлган нарса, севиб қолишдан олдин ўзини химоя қилиш, севиб қолгандан кейин эса, қалбда муҳаббат мустаҳкам ўрнашиб олмагунча, ўзини ундан ажратишга ҳаракат қилишдир [9].

Кўриниб турибдики, ар-Розий бу ерда таниш-билишни қалбда ўрнашган одат маъносида, маҳбуб ва ҳоҳлагандан ажралишни қийинлаштирадиган омил маъносида қўллаган. У буни “ёмон нарса” деб билади ва унинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун курашиш кераклигини таъкидлайди. Руҳга чуқур сингиб кетган ва одат тусига кирган ёмон ҳаракатлардан воз кечиш борасида у уч босқичли режани тавсия қилади: ҳаракатнинг ёмонлигини тан олиш ва ундан воз кечишга қарор қилиш, бу қарорни ҳеч қачон унутмаслик ва бу масалада қатъиятли бўлиш ва аста-секин руҳни шерикдан

ажратиш. Бирок, олимнинг фикрича, бу борадаги зарурий ҳаракат, руҳда одат бўлишидан олдин, севгилидан ажралиб туришдир. Закариё Розий ҳам буни тавсия қилади.

Бундан ташқари, Абу Бакр ар-Розий эҳтиросли ва эришмоқчи бўлган нарсадан ажралиш муқаррарлигига ишора қилади. Бу ажралиш ёки инсонни дунё ҳаёти қолдирилган тақдирда содир бўладиган ҳодисадан кўркиш юкидан халос қилади ва бу ғамдан сақлайди. Шундай қилиб, ар-Розий шахвоний ишқ босимидан қочиб қутула олмаганларни ишонтиришга ҳаракат қилади. Файласуф бу қарашларда Платон таъсирида бўлганлигини таъкидлайди [10].

Закариё Розий муҳаббатнинг табиати ва унинг инсонларга етказадиган зарарини баён қилгандан сўнг муҳаббатни гўзал деб даъво қилганларнинг қарашларини ва бу борада келтирган далилларни алоҳида ўрганиб, баҳолайди. Муҳаббатни одобли ва нафосатли, зиёлиларнинг одатига айланиб, уни покликка, нафосатга, ботиний ва ташқи гўзалликка етаклайди, деганларга, бу борадаги турли шеърлардан, шунингдек, ёзувчи, шоир, ҳукмдор ва ҳатто пайғамбарлардан мисоллар келтириш орқали уларнинг даъволарини тасдиқловчиларга қарши чиқади. Зеро, мутафаккирнинг фикрича, одамларнинг нафис табиатли ва тафаккурли бўлиши уларнинг мураккаб ва мушкул масалаларни идрок этиш қобилиятига, шунингдек, фойдали санъат яратиш қобилиятига қараб белгиланади. Закариё Розий бундай хислатлар фақат файласуфларда бўлишини, лекин уларнинг ҳаётида муҳаббатнинг ўрни йўқлигини таъкидлайди. Аксинча, ошиқлар асосан бадавийлар, қўпол табиатлилар, деҳқонлар, аҳмоқлар, тафаккур қобилияти паст бўлганлар орасида бўлишини кузатади [11]. Шунинг учун файласуфнинг фикрига кўра, ишқ ақлли ва нафосатли кишиларнинг одатидан эмас, балки ақл ва доноликдан маҳрум бўлган кишиларнинг ишидир.

Юқорида таъкидланганидек, муҳаббатни яхши даъво қилувчилар илгари сурган далиллардан бири шундаки, у инсонларни жисмонан покликка, жисмонан гўзалликка, чиройли кийинишга, зийнатланишга ундайди. Мутафаккир фикрича, бу ишқни гўзал деб ҳисоблаш учун етарли далил эмас. У бу борадаги фикр-мулоҳазаларини шундай ифодалайди: “Жисми нафси ёмон бўлса, унинг қандай қадри бор?” Шунинг учун олимнинг фикрига кўра, муҳими жисмонан гўзаллик эмас, балки маънавий гўзаллик, яъни инсоннинг феъл-атвори ва руҳи гўзаллигидир. Ар-Розийнинг бу қарашини Муҳаммад пайғамбарнинг: “Аллоҳ сизларнинг қиёфаларингизга, кўринишларингизга эмас, балки қалбларингизга қарайди” ҳадисларини эслатиб, унинг диний матнлардан таъсирланганлигини очиб беради.

Бундан келиб чикиб, Закариё Розий шуни таъкидлайдики, биз қилишимиз керак бўлган нарса пайғамбарлар ва улар каби солиҳ зотларнинг, улар пушаймон бўлиб, қилмаган бўлсалар эди деган хатоликларига эмас, балки ўзлари учун муносиб деб топиб, гўзал деб ҳисоблаб, бошқаларнинг қилишини орзу қилган амалларига эътибор қаратишдир. Айтишимиз мумкинки, ар-Розийнинг пайғамбарлар ҳақидаги бу фикрлари анъанавий ислом тушунчасига тўғри келади ва у пайғамбарликни рад этади, деганларга жавоб бўлиб хизмат қилади.

Закариё Розий мулоҳазаларига кўра, улар дейди аллома, агар киши бундай ошиқона маънолардан воз кечиши керак деб билсалар, улар бундай ишқдан нафратланадилар ва гарчи бошдан оёқ ишқ муҳаббат дарёсига ғарқ бўлган бўлса ҳам ундан чиқадиладар. Ҳатто бундай кишилар дунё ғам ташвишларига берилган бўлсалар ҳам ва ё дунёга кўп берилган бўлсалар ҳам бундай бекорчи ишқ муҳаббатдан юз ўгирадилар.

Закариё Розий нопок ишқдан қандай эҳтиёт бўлиш ва унинг сирларидан огоҳлантирар экан, унинг пистирмада бўлган нишонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. У бу масалада, лаззат тушунчасига алоҳида тўхталади. Унингча, лаззат бу – зарарли нарсаларни воқеъ бўлишидан олдинги ҳолатларни такроридир. Инсон ножўя ва зарарли нарсалардан чикиб ўзининг асл ҳолатига келса кейин лаззатни ҳис қилади. Аллома буни қуйидагича тушунтиради. Масалан киши агар соя салқин жойдан саҳрога чиқса ва ёзни иссиқ қуёшининг остида сайр қилса ва бу иссиқлик унга таъсир қилса кейин ўзининг аввалги салқин жойига қайтса лаззатни ҳис қилади. Шунда киши жойини ўзгартириб аввалги жойига қайтишликдан лаззат топади, чунки у асл ҳолига қайтади.

Кейин ўзининг қулай жойидан чиққанида унинг бадани лаззатини йўқотади. Ва унинг йўқотган лаззатини шиддати саҳрони иссиқлиги билан яна авжига чиқади. Ўзининг ўрнига қайтганида салқинлиги баданига таъсир қилади ва бу ҳолатда лаззатни қайтиши тезлашади.

Табиатшунос файласуфларни қарашлари кўра, дейди ар-Розий инсоннинг лаззати табиатга боғлиқ бўлиб, унга кўра тўлиқ ё ноқис бўлади. Чунки лаззат чегараси табиат доираси ичидадир. Оддий табиатдан чиқишлик узоқ вақтда тадриж йўлига кўра бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса табиатдан ўзининг ҳолига қисқа муддатда қайтишда бизни эҳсосимизда озор берувчи нарсалардан ғайритабиийлик пайдо бўлади. Кейин асл ҳолатга қайтиб бўлгандан сўнг у ҳақиқий лаззатни ҳис қилади [12].

Закариё Розий мулоҳазаларига кўра, тажрибаси бўлмаган кишилар бундай лаззатлар ҳеч қандай озорсиз ва ҳеч қандай машаққатдан холи бўлган деб ўйлайдилар.

Аммо ҳақиқатда бундай эмас. Чунки, ҳеч бир лаззат озорларсиз ва табиий ҳолатдан ажралишсиз ҳосил бўлмайди.

Абу бакр Розий ишқ тўғрисида фикр юритар экан, адабиёт аҳли бўлган ҳамда табиат ва ҳаётини воқеаларга чуқур назар ташламайдиганлар тўғрисида ҳам ўзига хос қарашларни ҳам илғари суради. Бу халқ, яъни адаб аҳли айтадилар: Ишқ ҳамиша нозик табиатлар билан қоришиб, нозик ақллар билан боғланган. Ошиқларни покликка ва фасоҳатга, гўзалликка сафарбар этувчи ишқдир [13]. Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, адаб аҳли ўз ғояларини ишқ мавзусида битилган ғазаллари, ҳалокатли шеърлари орқали тарғиб қилганлар. Шу маънода улар ўз сўзларига адиблар, зодагон шоирлар, ошиқ тадбиркорлардан ҳам далил бериб, пайғамбарларни ҳам ошиқ қаторига қўшишгача борганлар.

Закариё Розий фикрича, нафосат, қалб поклиги инсон учун катта неъмат бўлиб, у биз учун қадрлидир. Ўз эгаларининг хоҳишига кўра, ақл ва тана инсоннинг яширин ва махфий унсури сифатида машҳур бўлиб, улар ҳатто нозик ва аниқ фанлар сирларига кириб, мураккаб ва қийин нарсаларни ойдинлаштириш учун зарур ва фойдали санъат бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккир ўз қарашларида дунё халқларининг ҳеч бири юнонлардек ақлли ва доно эмас, деб ҳисоблайди. Унингча, бу одамлар севгидан жуда узоқ ва бошқа халқларга нисбатан хотиржам. Бу адаб аҳлининг севги ҳақидаги фикрлари нотўғри эканлигидан далолат беради. Муҳаббатни қаттиқ феъл-атворли, ақли зерикарли кишилар уйлаб топади. Бинобарин, калта ва узоқни ўйламайдиган ҳар бир киши қалби майл бўлган нафсга ошиқиши аниқ.

Закариё Розий фикрича, ишқ инсоннинг бирор нарсага ҳаддан ташқари меҳр қўйиши ва моддий нарсаларга бўлган муҳаббатдир. У руҳий севги ҳақида гапирмайди. Шу маънода севги ақлбодар қилмайдиган туйғудир. Агар одамда бу ҳис-туйғулар бўлса, у ақлни ишлатиши мумкин ва у ўз ҳис-туйғуларидан узоқлашиши керак. Севги қалбга жойлашишидан олдин уни тарқ этишга ҳаракат қилиши керак. Инсонга фақат оғрик келтирадиган севги – бу унинг бахтига тўсқинлик қиладиган туйғудир. Агар у домий равишда кузатилса, у касалликка айланиши мумкин. Киши ақли билан севиб қолса, қандай азоб чекишни олдиндан кўра олади. Шу сабабдан ақл севгига тўсқинлик қилиши ёки ҳатто йўқ қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Розийнинг ақл тўғрисидаги қарашларига кўра, кишининг ақлсизлиги, инсон бу маънода фаол эмаслиги, фикрлашда фаол эмаслиги, коинотда фаол эмаслиги, ўз борлигини англаш йўлини топа олмаслиги ва шу сабабли унинг завқ олиш

хукукидан маҳрум бўлганини кўриш мумкин. Унинг фикрича, инсон оламдаги борлигини “Ақл” билан англай олади. Ҳақиқатга эришган инсон энди чексиз завқни бошдан кечиради. Шунинг учун Ҳақиқатга эришнинг ягона йўли – “Ақл”. Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларида барча ахлоқий тоифаларни унга муҳим ақл, руҳ ва завқ каби тушунчалар атрофида бирлашади.

Закариё Розий ишқни (шаҳватий ишқ) моддий ҳодиса деб билади ва илоҳий ишқ ҳақида ҳеч қандай сўз юритмайди. Алломанинг фикрича, ишқ, моддий лаззатларга берилишнинг оқибати бўлиб, одамларни ақл-идрокдан ажралиб, нафсга бўйсунушига сабаб бўлади, ҳолислик имкониятини йўқотади, одамни сўлиб, ғамгинлик каби ҳасталикларга дучор қилади, шу тариқа уларни бу дунё саодатига эришишдан сақлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Закариё Розий. Мунтахаби осор. — Душанбе: Адиб, 1989. — Б. 45.
2. Закариё Розий. Мунтахаби осор. — Душанбе: Адиб, 1989. — Б. 69.
3. Mahmut Kaya. İslam Filozoflarında Felsefe Metinleri. İstanbul: Klasik Yay, 2003. — Б. 26.
4. Азқайи Парвиз. Ҳаким Рази. Хикмати табиӣ ва низоми фалсафии Мухаммад Ибни Закариё Сайрафи. — Техрон, 1382. Мукаддима, «б».
5. İ. Kutluer, İslâm Felsefesi Tarihinde Ahlâk İlminin Teşekkülü, s. 77-78.
6. The Spiritual Physick of Rhazes (Wisdom Of The East Series) Arberry, A.J. (Translator) Published by John Murray, London, England, 1950. s. 38.
7. Закариё Розий. Мунтахаби осор. Душанбе: Адиб, 1989. — Б. 35-36.
8. M. Mohaghegh, “Notes on The “Spiritual Physic” of Al- aton, naidros, s. 251d-23Te; M. Monagnegn, ivotes on ne Râzî”, s. 12-13.
9. Закариё Розий. Мунтахаби осор. Душанбе: Адиб, 1989. — Б. 40-41.
10. Тибби руҳоний. 40
11. A.D. Therese, "The Ethics of al-Râzî", s. 49.
12. Закариё Розий. Мунтахаби осор. Душанбе: Адиб, 1989. — Б. 65.
13. Ўша асар. — Б. 70.